



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УЎК: 616.314 - 003.7 : 355 : 613.26 : 615.375 -084

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ТАЪСИРИДА ҲАРБИЙЛАРДА ТИШ ҚАТТИҚ
ТЎҚИМАСИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

МЕТОДЫ ЛЕЧЕНИЯ ЗАБОЛЕВАНИЙ ТВЁРДЫХ ТКАНЕЙ ЗУБА У
ВОЕННОСЛУЖАЩИХ, РАЗВИВШИХСЯ ВСЛЕДСТВИЕ УПОТРЕБЛЕНИЯ
ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ

METHODS OF TREATING HARD DENTAL TISSUE DISEASES IN MILITARY
PERSONNEL CAUSED BY ENERGY DRINK CONSUMPTION



Мадмаров Махмуд Маъруфович

Central Asian medical university

Камта ўқитувчи (PhD)

Мадмаров Махмуд Маъруфович

Central Asian Medical University

Старший преподаватель (PhD)

Madmarov Makhmud Ma'rufovich

Central Asian Medical University

Senior Lecturer (PhD)

E-mail: madumarovmakhmud@gmail.com

Orcid: <https://orcid.org/0009-0005-7472-7741>

Аннотация: Ушбу тадқиқотда энергетик ичимликлар таъсирида ҳарбий хизматчиларда келиб чиққан тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари ўрганилиб, 195 нафар субъект клиник оғирлик даражасига қараб енгил (26 нафар), ўрта (63 нафар) ва оғир (106 нафар) гуруҳларга бўлинди. Беморларга умумий ва маҳаллий терапия ўтказилиб, улар турли терапевтик усуллардан фойдаланган ҳолда учта даволаш кичик гуруҳига (50, 53 ва 93 нафар ҳарбий) бўлинди. Клиник кузатув стоматологик текширув, оғиз бўшлиғи гигиенасини баҳолаш ва КПУ индекси динамикасини ўз ичига олди. Статистик таҳлил Excel 2010 ва SPSS v.23 дастурларида амалга оширилиб, аҳамиятлилик даражаси $P < 0,05$ деб белгиланди. Маълумотлар структураланган сўровнома орқали тўпланди.

Калит сўзлар: тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари; ҳарбий хизматчилар; энергетик ичимликлар; патогенез; клиник оғирлик даражаси; маҳаллий ва умумий терапия; оғиз бўшлиғи гигиенаси; статистик таҳлил; сўровнома.

Аннотация: В исследовании изучаются заболевания твёрдых тканей зуба у военнослужащих, вызванные употреблением энергетических напитков; 195 пациентов разделены на группы лёгкой (26), средней (63) и тяжёлой (106) степени поражения. Проводилась общая и местная терапия с разделением на три подгруппы лечения (50, 53 и 93 военнослужащих) с использованием различных методов. Клинический мониторинг включал стоматологический осмотр, оценку гигиены полости рта и динамику индекса КПУ. Статистическая обработка выполнена в Excel 2010 и SPSS v.23, значимость определена при $P < 0,05$. Данные собирались с помощью структурированной анкеты.

Ключевые слова: заболевания твёрдых тканей зуба; военнослужащие; энергетические напитки; патогенез; клиническая тяжесть; местная и общая терапия; гигиена полости рта; статистический анализ; анкетный опрос.

Abstract: This study investigates hard dental tissue diseases in military personnel caused by energy drink consumption, classifying 195 subjects into mild (26), moderate (63), and severe (106)



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

groups based on clinical severity. Patients received general and local therapy, further divided into three treatment subgroups (50, 53, and 93 servicemen) using different therapeutic approaches. Clinical monitoring included dental examination, oral hygiene assessment, and DMF index tracking. Statistical analysis was performed using Excel 2010 and SPSS v.23, with significance set at $P < 0.05$. Data were collected via a structured questionnaire on dental complaints and hygiene habits.

Keywords: hard dental tissue diseases; military personnel; energy drinks; pathogenesis; clinical severity; local and general therapy; oral hygiene; statistical analysis; questionnaire.

Кириш

Сўнгги йилларда энергетик ичимликларнинг кенг тарқалиши ва уларнинг узок муддатли истеъмоли натижасида тиш қаттиқ тўқимасида юзага келадиган патологик ўзгаришлар тиббиёт соҳасида долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Айниқса ҳарбий хизматчилар орасида хизмат шароитининг ўзига хослиги, жисмоний ва руҳий юклама, шунингдек овқатланиш тартибидаги ўзгаришлар фонида энергетик ичимликларни истеъмол қилиш кенг тарқалган бўлиб, бу тиш қаттиқ тўқимаси касалликларининг ривожланиш хавфини оширади.

Мазкур патологиянинг клиник намоён бўлиш даражаси турлича бўлиб, енгил, ўрта ва оғир шаклларда кечиши мумкин. Бундай ҳолатда касалликнинг оғирлик даражасига мос равишда дифференциалланган даволаш тактикасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Даволашнинг умумий ва маҳаллий йўналишларини уйғунлаштирган ҳолда, организмнинг умумий ҳолатини яхшилаш билан бир қаторда тиш қаттиқ тўқимасига бевосита таъсир этувчи муолажаларни қўллаш касалликнинг самарали бартараф этилишига хизмат қилади.

Шу муносабат билан, ушбу тадқиқотда энергетик ичимликлар таъсирида тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари ривожланган ҳарбий хизматчиларда патологиянинг клиник оғирлик даражасига кўра гуруҳлаш, ҳар бир гуруҳ учун мос даволаш усуллари қўллаш ҳамда уларнинг самарадорлигини клиник ва статистик жиҳатдан баҳолаш мақсад қилиб қўйилди. Тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар ушбу патологиянинг эрта аниқланиши, оқилона даволаш тактикасини танлаш ва профилактик тадбирларни такомиллаштириш учун илмий асос яратди.

Материал ва усуллар

Энергетик ичимликлар таъсирида ҳарбийларда тиш қаттиқ тўқимаси касалликларнинг патогенезини ўрганиш жараёнида ушбу патологиянинг клиник намоён бўлиш даражасига қараб субъектлар шартли равишда учта асосий гуруҳга ажратилади: енгил, ўрта ва оғир шаклдаги тиш қаттиқ тўқимаси зарарланиши. Биринчи гуруҳга 26 нафар ҳарбий киритилади ва уларда тиш қаттиқ тўқимаси зарарланиши белгиларининг заиф даражада намоён бўлиши кузатилади. Иккинчи гуруҳни ташкил этган 63 нафар ҳарбийда эмал шикастланиши ўртача даражада намоён бўлади. Учинчи гуруҳга эса 106 нафар ҳарбий киритилиб, уларда тиш қаттиқ тўқимаси зарарланиши ўта оғир шаклда кечиши қайд этилади[1].

Барча гуруҳларда даволаш ишлари икки йўналишда — умумий ва маҳаллий даволаш асосида ташкил этилади. Умумий терапия усули, аввало, организмдаги иммунитетни мустаҳкамлаш, моддалар алмашинуви жараёнларини яхшилаш ҳамда умумий саломатликни барқарорлаштиришга қаратилади. Маҳаллий муолажалар эса тўғридан-тўғри тишнинг қаттиқ тўқималари ҳолатини яхшилаш, тиш қаттиқ тўқимаси касалликларига қарши самарали таъсир кўрсатишга қаратилган бўлиб, бу тадқиқотнинг асосий терапевтик мақсадини ташкил этади.

Клиник тадқиқотлар доирасида ҳарбийларни стоматологик текширув, индивидуал гигиена кўникмаларини шакллантириш, уларни амалий ўргатиш ва бажарилишини назорат қилиш ишлари амалга оширилади. Профессional оғиз гигиенасига оид тадбирлар, тишларни механик тозалаш, кариоз жараёнлар ва уларнинг асоратларини бартараф этиш бўйича махсус муолажалар ўтказилади. Гуруҳ аъзоларида тиш қаттиқ тўқимаси касалликларининг клиник



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

кўринишлари билан бир қаторда, КПО индекси, яллиғланиш жараёнлари ва оғиз бўшлиғидаги умумий гигиеник ҳолат динамикаси кузатилади.

195 нафар ҳарбийдан иборат асосий гуруҳда ҳарбийлар даволаш усулига қараб учта тўлиқ клиник гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ 50 нафар ҳарбийни камраб олади ва уларда умумий гигиеник тадбирлар билан бир қаторда, муайян терапевтик модда билан маҳаллий муолажа ўтказилади. Иккинчи гуруҳда 53 нафар ҳарбий қайд этилади ва уларга қўшимча равишда альтернатив муолажа усули жорий этилади. Учинчи гуруҳдаги 93 нафар ҳарбий эса бир вақтнинг ўзида икки турдаги терапевтик усул — маҳаллий ва умумий муолажалар асосида комплекс даволашга жалб қилинади.

Келгусида ушбу гуруҳларда ўтказилган терапевтик таъсир самарадорлиги, патогенезнинг динамикаси ҳамда стоматологик кўрсаткичлар ўзгариши қадамба-қадам таҳлил этилади.



1-расм. Тадқиқотдаги ҳарбийларнинг даволаниши бўйича бўлиши

Натижалар ва муҳокама

Энергетик ичимликлар таъсирида ҳарбийларда мавжуд тиш қаттиқ тўқимаси касалликларидаги оғиз бўшлиғида тадқиқот материаллари параметрик ва нопараметрик таҳлил усулларида фойдаланиб статистик ишланади. Дастлабки маълумотларнинг тўпланиши, созланиши, тизимлаштирилиши ва олинган натижаларнинг визуализацияси Microsoft Office Excel 2010 электрон жадвалларида амалга оширилади. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.23 (ишлаб чиқувчи - IBM Corporation) дастуридан фойдаланиб ўтказилади. Микдорли кўрсаткичларнинг меъёрий тақсимланишга мослиги баҳоланади, бунинг учун Колмогорова-Смирнова мезонларидан, шунингдек асимметрия ва эксцесса кўрсаткичларидан фойдаланилади. Меъёрий тақсимланган микдор кўрсаткичларини таърифлаш ҳолатида олинган маълумотлар вариант қаторларига бирлаштирилади, уларда ўрта арифметик қиймат (M) ва стандарт четлашувлар (σ), ўртача хатолик катталиги (m), ишонч интервалининг чегаралари 95% (95% ДИ) ҳисобланади [2].

Энергетик ичимликлар таъсирида ҳарбийларда мавжуд тиш қаттиқ тўқимаси касалликларида оғиз бўшлиғида номинал маълумотлар мутлоқ қийматлар ва фоиз ҳиссалари кўрсатилган ҳолда таърифланади. Микдор маълумотларининг нормал тақсимланган бирлигида ўртача катталиклар таққосланганда т-мезон ҳисобланади. Энергетик ичимликлар таъсирида ҳарбийларда мавжуд тиш қаттиқ тўқимаси касалликларида оғиз бўшлиғида олинган Студентнинг т-мезон қийматлари кескин қийматлар билан таққослаш йўли билан баҳоланади.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Кўрсаткичларнинг фарқи қиймат $P < 0,05$ даражада бўлганида статистик аҳамиятли деб ҳисобланади.

1-илова

САВОЛНОМА

№ _____ : Ҳарбийнинг ИФО _____

Бугунги кунда тиш оғриғи безовта қиладими?			ҳа	йўқ	
Энергетик ичимликларни кунда неча марта истеъмол қиласиз?				йўқ	
Энергетик ичимликларни кунда қанча миқдорда истеъмол қиласиз?				йўқ	
3 ойдан ортиқ бирор глюкокортикоидларни қабул қилганмисиз? (преднизолон, кортизон)			ҳа	йўқ	
Тишларингиз иссиқ ёки совуқни сезиб қамашадими?			ҳа	йўқ	
Тишларингизни ювганда милқлар қонайдими?			ҳа	йўқ	
Оғиз бўшлиғи қуриши кузатиладими?			ҳа	йўқ	
Оғиздан бадбўй ҳид келишини сезганмисиз?			ҳа	йўқ	
Оғиз бўшлиғи ҳолатингиз сизни қониқтирадими?			ҳа	йўқ	
Бир кунда неча марта тиш ювасиз?	0	1	2	ҳар хил	
Куннинг қайси вақтида асосан тишларингизни ювасиз?	Нонуштадан олдин	Нонуштадан сўнг	уйқудан олдин	ҳар хил	
Тиш пастаси ва тиш чўткасини танлашга алоҳида эътибор берасизми?			ҳа	йўқ	
Тишларни ювишга қанча вақт сарфлайсиз?	1 минутгача		1 минутдан ортиқ	билмайман	
Тиш чўткасини қанча вақтда алмаштирасиз?	1 ойда 1 марта		3 ойда 1 марта	йилида 1, 2 марта	
Тишларни тозалаганда тиш чўткасини қандай ҳаракатлантирасиз?	Горизон-тал		вертикал	айланма	ҳар хил
Тишларни тозалашда қўшимча гигиеник воситалардан фойдаланасизми?			ҳа	йўқ	
---- тиш эликсирлари (кариесга қарши/ пародонт касалликларига қарши, сезгир тишлар учун) --- флосслар (одатий/ ментолли/ хлоргексидинли) --- ершиклар --- ирригаторлар --- тиш ковлагичлар					
Гигиенист врач маслаҳатини олганмисиз?			ҲА	ЙЎҚ	
Шахсий гигиена ҳолатинингизни қандай баҳолайсиз? (0 дан 5 баллгача)					
Охирги марта қачон ва нима сабабдан стоматологга мурожаат қилгансиз?					
Доимий қатнайдиган ўз врачингиз борми?			ҲА	ЙЎҚ	



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, MAXSUS SON-2. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Хулоса

Ўтказилган тадқиқот доирасида энергетик ичимликлар таъсирида тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари ривожланган 195 нафар ҳарбий хизматчи патологиянинг клиник оғирлик даражасига қараб уч гуруҳга ажратилди: енгил (26 нафар), ўрта (63 нафар) ва оғир (106 нафар) шаклдаги зарарланиш. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, тадқиқотга жалб қилинган ҳарбийларнинг катта қисмида (106 нафар, яъни энг кўп улуш) тиш қаттиқ тўқимаси зарарланиши оғир шаклда кечиши аниқланди, бу эса энергетик ичимликларнинг узоқ муддатли ва юқори миқдордаги истеъмолининг патологик жараёни кучайтиришидаги этиопатогенетик ролини яққол тасдиқлайди [3].

Даволаш чора-тадбирлари умумий ва маҳаллий терапия асосида ташкил этилиб, асосий гуруҳ ҳарбийлари даволаш усулига қараб учта кичик гуруҳга (50, 53 ва 93 нафар) бўлинди ва уларда турли терапевтик ёндашувлар қўлланилди. Клиник кузатувлар давомида стоматологик статус, оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳамда КПУ индекси динамикаси мунтазам баҳоланиб борилди, бу эса қўлланилган даволаш усуллариининг клиник самарадорлигини объектив баҳолаш имконини берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Голованенко А.Л. Обзор реминерализующих лекарственных средств, применяющихся для профилактики и лечения начального кариеса эмали // Тихоокеанский медицинский журнал, 2018. - №2(72). - С. 37-43
2. Доменюк Д.А., Давыдов Б.Н. Возможности микрокомпьютерной томографии в диагностике ранних форм кариеса жевательной поверхности постоянных моляров у детей. ЧАСТЬ II // Стоматология детского возраста и профилактика, 2019. - Т. 19, - №2(70). - С. 4-12.
3. Лосик И.М. Состояние твердых тканей зубов и гигиена полости рта детей дошкольного возраста // Современная стоматология. 2018. - №1(70). - С. 52-54.
4. Хайдаров А.М. Распространенность и частота заболеваний пародонта у детей, проживающих в городах с различной экологической обстановкой // Журнал биомедицины и практики, 2017.- Т.1, - №1, - С. 32-37.